

МАТБАА СОҲАСИДА ТЕХНОЛОГИК РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ



Абдувоҳид Норбоев,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг
Ахборот-кутубхона
фондларини
консервация
ва реставрация
қилиш хизмати
етакчи мутахассиси



хирги ўн беш йилда рақамлаштириш (DIGITAL) сузи турли соҳаларга изчил кириб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда рақамлаштириш жараёни кундалик турмуш тарзимизни тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳаётий бир мисол. Компьютер графикаларини тайёрлашга ихтисослаштирилган «I.O. Tech-nologies» компанияси президенти Питер Мур ўз талабаларидан ҳар кун рақамлаштирувчи қурилмаларга боғлиқ бўлган ҳолатларни санаб ўтишларини сўраганда, икки дақиқа давомида эллиқдан ортиқ мисолларга жавоб олган. Мисолларда оддий уй-рўзғор воситаларидан тортиб, ҳаво кемаларини бошқариш учун керак бўлган кундалик эҳтиёжларни ҳам учратиш мумкинлиги маълум бўлган. Юқорида таъкидланган маълумотларга асосан ҳам инсоният технологик рақамлаштириш жараёнига нақадар боғланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Кўплаб соҳалар каби матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам рақамлаштириш усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу наشرларни тезкор ва сифатли чоп этиш имкониятини беради. Илгари вақтда буюртмачи ўз томонидан тайёрланган кичик тиражли босма материалларни чоп этиш учун босмаҳоналарга мурожаат этганда, буюртма офсет босма усулида бажарилар эди. Ҳозирги кунда эса, ҳар бир дизайнер ўзи томонидан лойиҳалаштирилган дизайн маҳсулотини ҳеч қандай қийинчиликсиз, иш жойига ўрнатилган «DIGITAL Print», яъни рақамлаштирилган босма дастгоҳи ёрдамида керакли тираж чоп этиш ишларини амалга оширади. Кўриниб турибдики, оддий офис ходими ёки ишчиси босмаҳонага мурожаат этмасдан ўзига керакли нусхада маҳсулотларни чоп этиш мумкин. Лекин рақамлаштирилган босма усули кўп тиражли матбаа маҳсулотларини чоп этиш имкониятига эга эмас. У кўпинча кам нусхали, тайёрлан-

ган оригинал макетларнинг нишона сонини, кўп тиражга етмай қолган қисмини миқдори катта бўлмаган флаер ва буклетларни чоп этиш учун ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Нашриёт-матбаа хизматида ўрнатилган рақам билан бошқариладиган «Konica Minolta bizhub PRO C70002» дастгоҳи формати 330x465 мм, қалинлиги 70-300 гр/м² қоғоз маҳсулотларини дақиқасига 25-45 саҳифада икки томонлама рангли чоп этиш имкониятига эга. Бундай техник имкониятлардан Миллий кутубхонанинг турли хизматлари шу дастгоҳ унумли фойдаланиб келинмоқда. Китобхоналарни рўйхатга олиш, Маълумот ахборот хизмати, Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар фаолиятини акс эттирувчи 22 хилдаги рангли буклетларни ҳамда кутубхонага ташриф буюрувчиларга тарқатма материал мунтазам равишда сифатли тайёрлаб бермоқда. Ундан ташқари, жорий йилнинг 6 ойи давомида Миллий кутубхонада ўтказилган 80 дан ортиқ маънавий-маърифий,

«Konica Minolta bizhub PRO C70002» дастгоҳи орқали формати 330x465мм, қалинлиги 70-300гр/м² қоғоз маҳсулотларини дақиқасига 25-45 саҳифада икки томонлама рангли босиш имкониятига эга



Фойдаланувчилар учун хизматлар фаолияти хақида тарқатма материаллар

илмий ва ижодий учрашувларга оид рангли буклетлар тайёрланди.

Бу рақамли босма технологиянинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжига кўра, адабиётларни оққора, ёки бир неча рангли шаклларда сканер қилиб юмшоқ ёки қаттиқ муқова ҳолатида бир нусхада тайёрлаш, буюртмани шартномага асосан белгиланган тартибда бажариш имкониятини беради. Бундан ташқари, босма ахборот материалларини чоп этилгандан сунг, техника қурилмаси хотирасида сақлаб қўйиш ва келгусида қайтадан чоп этиш мумкин. Бу рақамли технологиянинг ютуқли ва ўзига хос хусусиятидир. Маълумотларни рақамлаштириш технологиялари ёрдамида юқори сифатда чоп этишда компьютер дизайнеридан профессионал маҳорат талаб этилади.

Ҳозирги кунда барча босма маҳсулотларнинг иллюстрацияси замонавий компьютерлар воситасида тайёрланмоқда. Буларни шакллантиришнинг қуйидаги тўртта асосий турлари мавжуд:

- матнли таҳрир – (матнларни шакллантиришда ва сузларни ўзгартиришда Microsoft Word ва Corel WordPerfect кенг қўлланилади ҳамда бу дастурий таъминотидан фойдаланилади);

- расторли дастур – (Қуюқ рангли, юза шакли чаплаган ёки қирқилган ҳолда, TIFF, BMP файллардан фойдаланилади);

- векторли графика – (штрихли кўринишдаги чизиқлар, математик эгри чизиқлар, жадваллар, фото суратларни босишда Corel Draw ҳамда InDesing дастурий таъминотидан фойдаланилади);

- саҳифалаш дастури – (бир неча дизайнларни боғлашда, яъни матн шрифтларини танлашда, растор ва вектор графикаларни бирлаштирилган ҳолда, китоб, флйер, постер ва реклама лойҳалари чоп этишда қўлланилади. Бунда эса, PageMaker, InDesing, QuarkXPress дастурий таъминотидан фойдаланилади).



«Konica Minolta Bizhub C 7000» бошқарув панели

«Ўзбекистон Миллий кутубхонаси» нашриётида фаолият кўрсатаётган мутахассислар чоп этиш учун тайёрланган барча йўналишдаги адабиётлар, библиографик кўрсаткичлар, илмий монографиялар, услубий қўланмаларни саҳифалаш жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган дастурий таъминотлардан унумли фойдаланган ҳолда, аввал рақамли технологиялар ёрдамида нишона сони босиб чиқарилади. Соҳа мутахассислари билан муҳокама қилиниб, камчиликлар тузатилгач, офсет усулида нашр қилиш учун топширилади. Ҳозирги кунгача худди шу тартибда 200 дан ортиқ нашрлар чоп этилди.

Ахборот технологиялари янгиланиб бораётганилигини ҳисобга олган ҳолда, рақамлаштиришнинг янги технологиялари ҳаётизмизга, хусусан, матбаа соҳасига ҳам кириб келаверади. Биз мутахассисларнинг вазифамиз – ушбу имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланишдир.

Босма ахборот материалларини чоп этилгандан сунг, техника қурилмаси хотирасида сақлаб қўйиш ва келгусида қайтадан чоп этиш мумкин ва бу рақамли технологиянинг ютуқли ва ўзига хос хусусиятидир

Абдувахид Нарбоев, ведущий специалист службы консервации и реставрации фондов Национальной библиотеки Узбекистана

Одним из наиболее важных технологических прорывов в последнее время является появление цифрового печатного оборудования. От традиционно офсетной литографии оно отличается тем, что использует электронные способы формирования печатного оттиска вместо печатных пластин. 2011 году в издательско-полиграфическую службу было установлено цифровое печатное оборудование Konica Minolta bizhub PRO C7000, которое предусмотрено для печати многочисленной полиграфической продукции: печать образцов и оригинальных макетов, допечатка тиражей, печать малых партий образцов до начала печати основного тиража. Модель удобна в эксплуатации и позволяет оперативно получать цветные оттиски высочайшего качества. ■